



Энг улғу ва азииз айёмга тайёргарлик қизғин

КЕЧА
Республика Вазирлар Маҳкамасида Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриши ва ўтказиш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов бошқарди.

Йиғилишда Президентимизнинг бу тарихий байрам йил давомида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тадбирлар силсиласида иборат бўлиши лозимлиги, улар орқали эса халқимиз мустақиллик туфайли эришилган ютуқларни бор қўла билан ҳис этиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис мажлисда икки муҳим масала атрафлича муҳокамадан ўтказилди. Булардан бири — Ўзбек миллий давлатчилиги тарихининг илмий-назарий асосларини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу масала юзасидан сўзга чиққанлар камда тўрт минг йиллик мазий қатларига бориб тақаладиган миллий давлатчилигимизнинг инсоният тамаддунига кўрсатган таъсирига алоҳида эътиборни қаратди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида олиб борилган илмий-назарий ва археологик изланишлар она юртимиз давлатчилигининг ибтидоий кўринишларидан тортиб, унинг энг мукамал шаклига бўлган яхлит тарихий жараёнга асос бўлганини инкор этиш бўлмас далиллар билан исботламоқда. Эндиги вазифа — халқимиз, айниқса ёш авлод онгу шуурига мана шундай кўнма маданий қадриятлар макони ҳисобланмиш Ватан тарихини мукамал билиш, ундан фахрланиш ва бу она юртни кўз қорачиғидек асраш кўнма сингдиришдир.

Йиғилишда муҳокама этилган иккинчи масала энг улғу ва энг азииз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини ўтказиш борасида амалга ошириладиган маданий-маърифий йўналишдаги тадбирлар дастури қандай баҳарлаётгани бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу дастур низоҳатда кенг ва ранг-баранг маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ўзида қамраган. Ҳозирга қадар уларнинг анчагина қисми юқори савияда ўтказилди ҳам. Маданият, санъат ва бошқа соҳаларнинг турли йўналишларида ташкил этилган республика ва халқаро даражадаги кўплай илмий анжуманлар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари бунга яққол далилдир.

Зеро, Истиклол учун курашган оталаримиз, уни асраб-авайлашга бутун куч-ғайратини сафарбар этаётган замондошларимиз, мустақил мамлакатимиз шазини барча соҳаларда муносиб ҳимоя қилаётган ва оламга тараётган ёшларимиз тўғрисида китоблар, альбомлар, фильмлар ва тасвирий санъат намуналари яратилди ва яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш устида қизғин ижодий иш давом этапти.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган вакиллар ўз ҳудудларида байрамга қандай тайёргарлик кўриляётгани ва айни кунларда муайян вилоят тарихи, бугуни ва келажаги билан бевоқифа бўлаб ўтказиляётган муҳим тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилишда ушбу дастурнинг тўла ва кенг қамровда амалга оширилиши учун зарур бўлган барча ишлар муҳокама этилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этиш учун тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлигига кўрсатмалар берилди.

(Ў.А.)

АНЖУМАНЛАР

Коммунал хизмати масалаларига бағишланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида аҳолига коммунал хизмати кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш доирасида ўлчаш анжумлари ва энергияларни тежаш янги технологияларини татбиқ этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Анжумани очар экан Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотлар сув, газ, иссиқлик қуввати каби ҳаётий энг муҳим манбалардан тежамли ва оқилона тарзда фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Ҳозирги кунда коммунал тармоғини ривожлантириш мақсадлари учун шаҳар ва республика бюджетидан катта маблағ йўналтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида шаҳар иссиқлик таъминоти учун қаражатларни қоплаш учун давлат ёрдам пули 10 миллиард сўмга яқин маблағни ташкил этди. Мавжуд вазиятни ўзгартиришга қувватли тежовчи технологияларни татбиқ этиш, аҳоли уй-жойларига ҳисоблаш анжумларини ўрнатиш ва албатта, манбаларга фойдаланувчиларнинг ўзларининг тежамкорлик билан ёндашишлари йўли билан эришиш мумкин. Ва ушбу йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш, коммунал хизматлар бозориди рақобатини ривожлантириш, ресурсларни тежовчи технологияларни татбиқ этиш юзасидан амалга ошириляётган ишлар тўғрисида йиғилганларга пойтахт коммунал фойдаланиш бирлашмасининг бош директори Х. Маҳамов сўзлаб берди.

Ҳисоблаш анжумларини ўрнатиш мольвий сарф-харажатлар, техник жиҳатдан қийинчиликлардан то ҳуқуқий меъёрлар, ҳақ тўлашнинг тизими ва тарифларини кўриб чиқишга бўлган муайян мураккабликлар билан боғлиқ



бўлса-да, улар бюджет маблағлари ва аҳоли жамғармаларини тежаш борасида муҳим омилдир. Семинар давомида ушбу фикрни тасдиқловчи аниқ рақамлар ва далиллар келтирилди. Ҳисоблаш анжумларини татбиқ этиш бўйича кенг қўламадаги ишларни давом эттириш мақсадида ҳисоблагичларни ишлаб чиқарувчи бир қатор корхоналар ташкил этилди. БМТнинг тараққиёт дастури, Япониянинг «ЛСА» халқаро ҳамкорлик агентлиги, «Шимидзу», «Лансос» фирмалари билан халқаро ҳамкорлик доирасида ва Европа Иттифоқининг техник кўмаги остида шаҳар ҳокимлиги коммунал тармоғи фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган ТАСИС ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этмоқда.


Семинарда шунингдек, газ сарфи ҳисобини ўлчашни такомиллаштиришнинг техник йўналишлари, марказлашган иссиқлик таъминоти тизимида ҳисоблаш анжумларини татбиқ этиш, сув истеъмолини оқилона даражага кел-

тириш масалалари бўйича «Тошшаҳар-газтаъминот» ташкилотининг раҳбари Б. Раҳмонов, «Тошиссиқликқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг техник директори В. Честнов, «Сувсос» трести бошқарувчиси Г. Норматовлар сўзга чиқиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. ТАСИС лойиҳасининг раҳбари доктор Петра Зайлдар Йиғилганларга иссиқлик таъминоти объектларида иссиқлик сарфини ўлчаш тизимларини татбиқ этиш ва иссиқликни ўтказиш бўйича олинган натижалар тўғрисида маълумот берди. Гарчи, Қўйлик-2 даҳасида татбиқ этилган ушбу тажриба ишлари натижасига етган бўлса-да, у ўзининг дастлабки ижобий натижаларини берганлиги сабабли лойиҳа келгусида ҳам давом эттирилади.

Семинар ишида шунингдек, бир нечта Европа экспертлари ҳам қатнашди ва республикада марказлашган иссиқлик таъминотини ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган стратегиясини тақлиф қилдилар, коммунал соҳасининг босқичма-босқич ўзини ўзи маблағ билан қоплаш йўналишига ўтишида тариф сиёсатини такомиллаштириш, ТАСИС лойиҳасини амалга ошириш бўйича эришилган натижаларни оммавий тарзда татбиқ этиш ва бошқа йўналишлар юзасидан ўз тақлифларини билдиришди.

Семинар қатнашчилари ўзаро тажриба алмашишди, муҳим тақлифларни киритишди ва коммунал хўжалиги эҳтиёжлари учун республикадаги мулкнинг турли шаклларида доир корхоналарда ишлаб чиқариляётган ҳисоблаш ҳамда энергияни тежаш технологияларига доир махсус кўргазма билан танишишди.

Дилмурод НУРМУХАМЕДОВ
СУРАТЛАРДА: семинар пайтида.
Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикаси кончилиги ва металлургия саноати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Май ойининг учинчи яқшанбаси «Ўзбекистон Республикаси кончилиги ва металлургия саноати ходимлари кунини» этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 12 май.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТУРЛАРДА

□ **ТОШКЕНТ** Молия институтини Истиклолимизнинг 10 йиллигига бағишланган «Ватан мустақиллиги — менинг қалбимда» мавзусидаги кўрик-танлов талабалар иштирокида ўтказилди.

□ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Умид» маҳалласида туман мактабларида тахсил олаётган юқори синф ўқувчилари иштирокида ёшлар ўртасида гивандликнинг кўпайишига қарши кураш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Ушбу тадбир Ҳамза тумани хотин-қизлар кўмитаси

ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Ҳамза туман бўлими томонидан уюштирилмоқда.

□ **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳамда Чилонзор туман ҳокимликлари ташаббуси билан «Совластитал» кўша корхонасида ўтказилган ўқув-семинар «Миллий истиклол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» деб номланди.

□ **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан пойтахтимиздаги 273-мактабнинг юқори синф ўқувчилари Тошкент педиятр тиббиёт институтининг кўпайишига қарши кураш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Ушбу тадбир Ҳамза тумани хотин-қизлар кўмитаси

КЎРГАЗМАЛАР

Иқтисодий юлганимизни ривожлантириш йўлида

КЕЧА

«Ўзқспарказ» республика савдо-кўргазма марказида бешинчи халқаро «Нефть ва газ» — OGU—2001 ҳамда иккинчи халқаро «Курилиш ва интерьер, иситиш ва шамоллатиш» — UzBuild — 2001 кўргазмалари ўз иштини бошлади.

OGU - 2001 кўргазмасида нефть ва газ, транспорт, тоғ-кон саноати маҳсулотлари қамраб олинган бўлиб унда жаҳоннинг 25 мамлакатидан 110 та компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Улар қаторида «Шелл», «Бейкер Хьюдсис», «Ханивелл», «Дрессер Рэнд» каби танли ва машҳур компаниялар бор.

Курилиш ва пардозлаш материаллари, сантехника, шамоллатиш, кондиционерлар, тежамкор иситиш, электротехника ва ёритиш тизимлари ўрин олган «UzBuild - 2001» кўргазмаси маҳсулотлари ҳам албатта мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шуни айтиш керакки, «OGU» кўргазмаси илк бор тармоқни хусусийлаштириш доирасида ўтмоқда. Бинобарин, ҳозирги кунда республикамизда мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши ва фаровонлигининг ошиши борасида муҳим ўрин тутувчи нефть-газ мажмуасини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Нефть ва газни чиқариш ҳажмлари ортмоқда, янги конларни очиш мақсадида геология-қидирув ишлари кенгаймоқда. Албатта, ушбу табиий захираларни қайта ишлаб жаҳон андозаларига

маҳсулотлар чиқариш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, иқтисодийнинг бошқа тармоқлари каби нефть-газ соҳасига ҳам инвестициялар талаб этилади. Ҳозирнинг ўзида кўпгина хорижий компаниялар Ўзбекистон табиий ресурсларини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташқи фаолиятида қатнашиш ниятини билдиришган. Улар эътиборига бир қатор инвестиция лойиҳалари ҳавола қилинди. Энг муҳими, хорижий ҳамкорлар учун яратилган қатор имтиёз ва рағбатлар, шунингдек, нефть-газ соҳасида давом этаётган хусусийлаштириш жараёнлари инвестицияларнинг кўпайишига имкон яратишига шубҳа йўқ.

БУГУН

«OGU - 2001» кўргазмаси доирасида икки юздан ортқ қатнашчи иштирокида бўлиб ўтаётган «Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғи: ҳозирги ҳолати ва хусусийлаштириш истиқболлари» анжумани ҳам ушбу тармоқнинг келгусидаги ривожига муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Британиянинг IPE Group Pric компанияси ва унинг Ўзбекистондаги шериги — Itecsa - Osiyo томонидан Республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компаниясининг қўллаб-қувватлаши остида ташкил этиляётган «OGU» ва UzBuild» кўргазмалари

ЭРТАГА

ўз иштини якунлайди.
Даврон НУРМАТОВ

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов **КЕЧА** Оқсаройда Япониянинг «Кейдзай Дюокай» кооператив раҳбарлари уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига қўра Шавкат Ҳамроқулов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланди.

• Япониянинг «Кейдзай Дюокай» кооператив раҳбарлари уюшмаси вакилларининг делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш комплекси йиғилишида коммунал соҳани ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда хусусийлаштириш бўйича давлат дастурини бажариш масалалари муҳокама этилди.

• Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Истиқлолимиз — истиқболимиз» мавзусида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб маънавий-маърифий йўналишдаги амалий семинарлар ўтказишни бошлади.

• Оналар ва болалар йили муносабати билан бир нечта вазирилик ҳамкорликда ташкил этган «Автоқарвон» тарғибот-ташвиқот гуруҳи Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан ўтиб, Навоийга етиб келди.

• Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида бугунги кунда энг долзарб экологик муаммолардан бири — сархорланиш жараёнининг олдини олиш борасидаги вазифаларга бағишланган «Ўрта Осиёда чўлланги муаммолари» китоби нашр этилди.

• «XXI аср ёшлари». Бухорода ташкил этилган миллий маънавият кинолекторийи ана шундай номланди.

• Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида улкан навоийшун олим, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат муқофоти совриндори Ҳамид Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

• Боевот туманидаги Усмон Юсупов номли ширкат хўжалиги филларлари Сирдарёда биринчи бўлиб зафар қучдилар.

• Марғилонда машҳур ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султоновлар номи билан аталувчи III Республика хонадалар кўрик-танлови бошланди.

• **КЕЧА** Қаршида ёш шoirлар ва халқ кўшиқчи-башиқларининг халқаро танлови очилди.

• Фаргона шаҳрида муқофот фонди 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган теннис бўйича халқаро Челленжер турнири низоҳасига етди.



Жаҳонда

• Венесуэла Президенти Уго Чавеснинг Россияга расмий ташрифи бошланди. У Президент Владимир Путин ҳамда бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказди.

• **КЕЧА** АҚШ Президенти Жорж Буш «Хавфсиз ҳаёт лойиҳаси» деб ном олган янги дастур қўнға киритилишини маълум қилди.

• **БУГУН** Тбилисида Интерпол конференцияси очилди. Унда 400 дан ортқ мамлакатлардан вакиллар қатнашиши кутилмоқда. Йиғилишда Интерпол миллий бюроси фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилинди.

• **КЕЧА** БМТ Бот котиби Кофи Аннан Москвага расмий ташриф билан келди.

• **БУГУН** Ереванда коммунистлар Арманистоннинг Россия ва Беларусь Иттифоқига қўшилиши ҳақидаги гоғани қўллаб-қувватлаш мақсадида оммавий митинг ўтказишни режалаштиришган.

• **КЕЧА** Япония Бош вазири Д. Коидзуми Курил оролларида Россиядан қайтариб олиш масаласида яна бир бор сўз очди.

• Хитойда ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.

• Саудия Арабистониди ичкилик маҳсулотлар контрабандаси билан шуғулланганликда айбланиб тўрт киши ҳибсга олинди.

• Нидерландияда кимёвий қурооларни тақиқлаш ташкилотининг навбатдаги сессияси бошланди.

• Шри-Ланка соҳил қўриқчилари ноқонуний равишда мамлакатнинг денгиз ҳудудига кирганликда айблал хиндистонлик 31 нафар балиқчинни қўлга олди.

• Германияда халқаро шахмат турнири низоҳасига етди. Ушбу мусобақаларнинг бош соврини учун жаҳоннинг 10 нафар етакчи гроссмейстери ўзаро баҳс юритди. Жаҳон таснифида 15-ўринни эгаллаб турган ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ушбу турнирда ўз маҳоратини намойиш этиб, 9 имкониятдан 6,5 очко тўплади ва мусобақа гоғиб бўлди.

• **КЕЧА** 1981-1989 йилларда Польша ҳукумати раҳбарлик қилган Войцех Ярузельский устидан суд жараёни бошланди.

• Италияда ўтказилган парламент сайловларида Сильвио Берлускони бошчилигидаги ўн қучлар коалицияси ғалаба қозонди.

• Фаластин маъмурияти АҚШ, Россия, Хитой, Япония ва Европа давлатларига мурожаат қилиб, БМТ Хавфсизлик Кенгашига Яқин Шарқ муаммоси бўйича навбатдан ташқари мажлис ўтказишга қачирди.

• Исроил ҳарбий вертолётлари Фаластиннинг бевоқифа Есир Арофатга бўйсунувчи махсус бўлинмалари базаларига зарба берди.

• АҚШ Давлат департаменти вакили Сюзан Питтман Оқ уй маъмурияти Шимолий Кореяга юз минг тонна озиқ-овқат жўнатишни режалаштираётганини маълум қилди.

Навбатдаги Ғалаба

КЕЧА

мамлакат X миллий чемпионатининг ўтказилган 11-турида пойтахтимиз шарофидини ҳимоя қилаётган икки жамоа — «Пахтакор» ва «Трактор» ўзаро куч синнашишди.

«Трактор» олий лиганинги кучли жамоалари учун доимо ноқулай жамоа бўлиб келганлиги «Пахтакор» марказий стадиониди уйрашувда яна бир бор исботланди. Уйин туташига бир неча дақиқа қолганида ҳам ҳисоб 3:3 бўлиб, уйрашув гўё дуд билан тургайдигандек эди. Аммо пахтакорчи Владимир Баранов жамоасига ғалабани инъом

этувчи тўртинчи голни йўллаб меҳмонларни бир очколик бўлишдан маҳрум этди. Учрашув 4:3 ҳисобида пахтакорчилар ғалабаси билан якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Семурғ» — «Самарқанд-Динамо» 2:1, «Навбахор» — «Сўғдиёна» 2:0, «Металлург» — «Академия» 1:1, «Дўстлик» — «Зарафшон» 3:1, «Кимёгар» — «Турон» 3:0, «Сурхон» — «Нефтчи» 0:5, «Насаф» — «Анджон» 2:1, «Бухоро» — «Қизилқум» 0:3.

Чемпионатнинг 12-тур учрашувлари 18 майда ўтказилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Нонушта комбинатда тайёрланади



хокимлиги томонидан 127 миллион сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди. Хозирги кунда ушбу корхонада бир кунда 12 минг дونا турли хил сифатли, тўйимли булочкалар ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Шуниси эътиборга моликки, ҳамма маҳсулотлар полиэтилен халтачаларга ўралган бўлиб улар ўз сифатини ўн кун сақлаш хусусиятига эга.

Президентимиз томонидан оналар ва болалар йили деб эълон қилинган ушбу йилда яна бир хайрли ишга кўл урилди.

КЕЧА

шаҳримизнинг Сергели туманида жойлашган «Мехрли савдо» давлат корхонаси негизда шахримиздаги академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун нонушталар тайёрлаш комбинати тантанали суратда очилди.

Тантанани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова кириш сўзи билан очиб, келажак авлод камоли йўлида қилинаётган хайрли ишлар эртага ўзининг яхши меваларини беради, деди.

— Республикада соғлом авлодни тарбиялаш, — деди тантананда сўзга чиққан «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова, — оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга ошириш йўлида қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Бугунги ўз фаолиятини бошлаган комбинатнинг ишга туширилиши ёшларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик-

нинг яна бир ёрқин намунаси-дир. Мазкур комбинат лицей ва коллеж ўқувчиларини сифатли ва арзон нонушталар билан таъминлаш ва болаларда ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар хошимлиги, «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси ташкилотчилари томонидан ташкил этилди. Комбинат учун Япониянинг «Nisso Iwai Corporation» компанияси томонидан жамғармага берилган 100 минг АҚШ доллари миқдордаги хайрия маблағига Германиянинг «Ханзе Машинен» компаниясининг нонушталар тайёрлайдиган технология ускуналари сотиб олинди. Тошкент шаҳар

Сергели туманида жойлашган «Мехрли савдо» давлат корхонаси негизда шахримиздаги академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун нонушталар тайёрлаш комбинати тантанали суратда очилди.



ТАДБИРКОРЛИК

Имкон топаётганлар

«Нон-азиз, ушбои ундан азиз», дейди доно халқимиз. Мана шу иборани дилдан ҳис этиб меҳнат қилаётган «Кўйлик ота он» масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари аҳоли дастурхонига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Корхона цехлари юксак умумий хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган 55 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар кечаю-кундуз пойтахтимизнинг Бектемир, Ҳамза ва Миробод туманлари аҳолисига иссиқ ҳамда сифатли нон маҳсулотлари тайёрлаб бериш учун меҳнат қилишади.

Кичик корхона сифатида 1996 йилда давлатдан кредит олиб иш бошлаган ушбу жамоанинг бугунги кунда муваффақиятлари етарли. Маҳсулот турларини кўпайтириш, айниқса халқимиз учун тўйимли, сифатли маҳсулотлар

ишлаб чиқаришга эришиш, ишчи-хизматчилар учун меҳнат ва дам олиш шароитларининг яхши йўлга қўйилганлиги — ана шуларнинг барчаси ютуқлар гарови бўлмоқда.

Корхона раҳбари Баҳодир Эргашев Бектемир туманида ўтказилган «Ташаббус — 2001» кўрик танловида «Энг яхши тадбиркор» номини олишга сазовор бўлди. Бу, албатта, уларнинг изланиб меҳнат қилаётганлигининг самарасидир.

— Утган йиллар ичида ишлаб чиқараётган нон ва нон маҳсулотларимизнинг тури 60 хилдан ортди, — дейди Баҳодир Эргашев. — Кунига

10 тоннадан ортиқ ундан маҳсулот тайёрлаймиз. Энг муҳими — элимиз дастурхонига қўйиладиган азиз неъматимизнинг сифатига алоҳида эътибор қаратамиз. Кадрларимиз малакаси, таърибаси етарли, барчаси сидиқдилдан меҳнат қилишади. Албатта, ютуқларга эришиш учун изланиш, жуда кўп меҳнат қилиш зарурлигини унутмаймиз.

Энг азиз, энг улғур байрамимиз — Муस्ताқилликнинг 10 йиллигига корхона тадбиркорлари ҳам ўзига хос туҳфа хозирлаш ниятида. Германиядан печенье ҳамда вафли ишлаб чиқариш линиясини олиб келиб янги цех очиб ва яна 20 тадан зиёд ишчи ўрни яратиб мақсадини олдиларига қўйишган. Бугунги кунда эса ана шу яхши ниятлар йўлида саёй-ҳаракатлар давом этмоқда. Дилноза ГИЁСОВА

Муस्ताқиллик туфайли кундан кун чирой очиб, танилиб бораётган Ўзбекистон, шу жумладан, муазам ва мухташам пойтахт шахримиз — Тошкент тимсолида хохлисона тасаввур ва тафаккур қилганимизда, ўзимизнинг бобомеъроғимиз, азиз кадрларимиз ҳеч муболагасиз, жаҳон хазиналарига бергувчи — бебаҳо бойлигимиз кўзга ташланади. Умумий маънадаги замон: кеча-бугун-эрта тимсоллари орқали қисқа муддат мобайнида халқимизга қайтарилган миллий тарихимиз, муқаддас хотиротимиз лавҳаларини, саҳифаларини бир-бир санаб тадқиқ этиб, ниҳоятга етиб бўладими? Ҳа, фақат шартли равишда, айрим ёрқин рамзу тимсоллар орқали ўта улғур силсиладан кичик бир ҳалқани мухтасар шарҳлаб ўтишимиз мумкин.

Кўҳна ва навқирон шахримизга оид миллий кадрлар дастури доирасида Ўзбек давлатчилиги, Тошкент шаҳрининг тарихан шаклланиши билан боғлиқ Сергели туманидаги Шоштепа, Юнусобод туманидаги Октепа археология ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Муस्ताқилликнинг 10 йиллиги олдида навбатдаги муҳофаза воситалари тарзида қадимий Шош давлатининг пойтахти бўлган хозирда Мингўрик деб аталмиш Миробод туманидаги археология ёдгорлиги ҳудудига маълум режага биноан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди ва уни махсус комиссия кўриб чиқиши учун муҳомагага топширилди.

Кейинги йилларда шахримиздаги Кўқалдош мадрасаси, Жомий, Тўхтабойвачча, Каллақона каби ўнлаб архитектура ёдгорликлари таъмирланди ва қайта тикланди. Миробод, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Бешёғоч, Кўкча, Себзор каби юзлаб жойлар ўз тарихий номларига эга бўлди. Шунингдек, Муस्ताқилликнинг 10 йиллиги олдида амалга оширилаётган тадбирлар дастурида «Тошкент дарвозалари» рамзини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарори билан Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси 1996 йил 27 сентябрда ташкил қилинди. Жамғарма томонидан юртимизда ва хорижий ўлкаларда мавжуд бўлган қадимий қўлёзмаларни қидириш, уларни ўрганиш, қадимий буюк маданиятимизга доир муҳим ҳужжатлар, халқ хўнармандчилигига доир ашёлар, амалий санъат асарлари, меъморчилик ёдгорликларини буюк мерос сифатида асраб, авайлаб, миллатнинг тарбиясига хизмат қилдириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Туркия, АҚШ каби мамлакатлар-

да жамғарманинг бўлим ва бошқармалари ташкил қилинди. Маданиятимиз дарғалари ҳақида ўнлаб ҳужжатли фильмлар яратилди. Шунингдек ат-Термизийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида етти серияли телевизион бадиий фильм яратилди. Жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими шаҳар хошимлиги дастурида яратилган режа асосида муқаддас ташкилотлар билан ҳамкорликда «Боқий мерослар», «Улмас сиймолар» туркумидаги рисоаларни чоп этириб боришни режалаштирган. Бугунги кунда Тошкент ва унинг атроф ҳудуди тасвирига бағишланган дастлабки тадқиқотлардан бири «Тошкент бўйлаб топонимик саёхат» номида рисола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Академия» нашриётида 2500 нусхада чоп этилди ва маданий жамоатчиликнинг муносиб баҳосини олди. Бошқа бир рисола — «Бебаҳо маъна-

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Шарафли вазифа

вий мерос» сарлавҳаси остида жамғарма ҳомиилигида 1000 нусхада нашр этилди. Мазкур рисолада ўзбек миллий тўй маросимлари мухтасар тарзда Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши тавсиси асосида жонли лавҳаларда ўз ифодасини толган. Шунингдек, «Абулқосим мадрасаси» девонига Тошкент халқроқ аёллар гуруҳи билан ҳамкорликда, ўзбек ва инглиз тилларида мухтасар бир китобча босилиб чиқди. «Асрлар мероси» туркумида шахримизнинг қадимий обидалари рамзий лавҳаларда, махсус шарҳлар-тавсифномалари билан (Кўқалдош мадрасаси, Имом Кафқол Шош мадрасаси кабилар) рангли тасвирда, уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча) махсус ҳарир рангли қорғозда босилди.

Дунёда ўзининг қадим ҳунар мактаблари, миллий амалий санъатига эга бўлган халқлар ўнчалик кўп эмас. Не бахти биз ана шундай нодир санъатимиз билан дунёга танилган халқимиз. Миллий хўнармандчилик тарихи халқимиз тарихи каби кўҳна ва бойдир. Тарихнинг шафқатсиз чиғиригида неки бизга етиб келган бўлса буларнинг барчасини сақлаш, тақомиллаштириш, йўқ бўлиб кетганларини топиш, тиклаш бизнинг зиммасидадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда 20 дан ортиқ мадраса бўлган. Уларда мактабдорлар, улamolар, айримларида давлат аппарати ходимлари сабоқ олган. Баъзи мадрасаларда миниаторчилик, мусиқий асбоб-

созлик, наққошлик, ҳаттотлик, саҳоблик (муқовачилик) санъати соҳалари ўргатилган. Жумладан 1834 йили Муҳаммадкарим хожи томонидан қурилган (тахминан Қоратош гузари 1924 йилда бузиб юборилган) мадраса шундай мадрасалардан бири эди.

Шаҳримизнинг тарихий ёдгорликларидан энг қаттаси ҳисобланган Абулқосим мадрасаси бенисода жамғарма ҳомиилиги ва Бевоқосит раҳбарлигида уста — шоғирд йўналишидаги халқ амалий санъатининг деярли барча турлари бўйича 40 дан ортиқ уста 200 га яқин шоғирларга махсус касбунаар ва санъат сирларини ўргатмоқда.

Мазкур хўнармандларнинг амалий ижодий фаолияти мунтазам равишда тарғиб ва ташвиқ қилиб борилади. Доимий ва мавсумий кўргазмалар турли кўрик-танловларда («Ташаббус») муносиб ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Бу ерга таширф буюрган хорижий сайёҳлар хўнармандларнинг ишлаш жараёнини томоша қиладилар, улар ясаган сифатли буюмларини соғла сифатида олиб кетадилар.

Шунингдек, хорижий сайёҳлар қаторида шахримиздаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам мунтазам келиб, бу ерда ўқиган ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий, миллий озолиқ ҳаракати фидойилари Мунаввар қори, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган туркум суҳбатлар, шунингдек аждодларимиз мероси, халқимизнинг исми қўрилмаган бунёдкорлик ва истиклол гоғларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида қадимий шахримиз тарихи билан бирга муस्ताқиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар ҳақида маърузалар эшитиладилар.

Президентимиз «Тарих — халқ маънавиятининг асосидир» дея таъкидлаганидек, жамғармамизнинг мақсад ва вазиқаларидан бири — буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қарашига асраш, халқимизнинг умуминсоний кадриятлар ҳазинасига қўшган ҳиссасини дунёга танитиш, уни кенг тарғиб этиш, ёшларимиз онгиди миллий гуруҳ, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиклол гоғларига садоқат туйғуларини сингдириш, қобилиятли ёшларни танлаб, уларнинг ижодий камолотида моддий ва маънавий ҳомиилиқ қилишдан иборатдир.

Абдулазиз МУҲАММАДҚАРИМОВ, Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ? Мой радиатори тайёрланмоқда

«Тошкент трактор» заводиди» Давлат ҳиссадорлик жамиятининг муҳандис-техник ходимлари яна бир хайрли ишга кўл урдилар. Республикада биринчилардан бўлиб тракторнинг мой радиаторини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

— Тракторнинг мой радиатори илгари Оренбург шахридан келтирилари, — дейди тиркамалар ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи Тўхтабой Садибеков. — Эндиликда ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз натижада чет элдан олиб келиш йўли харажатлари соф фойдага қолмоқда. Муҳандислар Любовь Муленко, Шариф Абдуқосупов, участка бошлиғи Сергей Ортықбоев ва энергетика хизматининг раҳбари Мурод Қоракхонлар мой радиатори ишлаб бериладиган участкани ишга туширишда ўзига хос жонбозлик кўрсатдилар.

Шу кунда ордан ортиқ радиаторлар тайёрлаб трактор йўғув конвейерига узатдик. Эртанги кунда завод талаби даражасида радиаторлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиш учун иш жараёнини ташкил қилдик. Янги тизимнинг ишга тушиши ишчиларни иш билан таъминлаш билан бирга замонавий катта даромад ҳам келтириш демакдир. Бозор иқтисодиёти ҳар биримиздан яратувчанлик руҳида меҳнат қилишни талаб қилмоқда.

Утган ҳафтада мазкур жамоа Украина ва Тошкент шаҳарларининг тендер шартномасига асосан пойтахтимиз хўжалиғи учун 7500 дона чиқинди контейнерларини муддатидан илгари тайёрлаб бериб гўзал пойтахтимизнинг янада озода ва саришта бўлишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Хусан БАРОТОВ



Шаҳримизга гўзал биналар ярашади.

ҲАМКОРЛИК

«ИНТЕРНЕТ» сари қадам

Хозир мамлакатимиз олий ўқув юрларида иқтисод бўйича ўқув режаларини ва дастурларини янгилаш жараёни давом этмоқда. Талаба ёшлар иқтисодий таълимини давр талаблари асосида ташкил этишининг мустаҳкам ўқув-техник негизини яратиш мақсадида қатор лойиҳалар тайёрланди.

Жаҳон банки институтини ишлаб чиққан «Ўзбекистонда иқтисодчиларни масофадан туриб ўқитиш» таъриб лойиҳаси ҳам муҳим таълимий аҳамиятга эга. Ушбу нуфузли дастурни амалга ошириш мақсадида қатор йўриқномалар тақриф этилди.

Университет ва ўқитувчиларни танлаш ва ўқитиш бўйича хозирланган лойиҳа асосида «Урта Осиёда иқтисодиёт бўйича масофадан ту-

риб ўқитиш» ёзги мактаби ташкил этилди. Унинг машғулотларини олиб бориш учун жаҳон банки институтини Швейцария ривожланиш Корпорацияси ва Евросоюз халқаро жамғармаси билан бамаёлашати иш тутмоқда.

«Микроиктисодиёт» ва «Макроиктисодиёт» соҳалари лойиҳасида қатнашиш учун Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Давлат молия институтини каби олий ўқув юрларининг таърибали ўқитувчилари танланди. Бундан ташқари ўқитувчилар учун иқтисодиёт фанлари бўйича семинар-тренинглар ўтказиш ҳам кўзда тутилди.

Қўрилган бу каби маърифий тадбирларни халқроқ интернет алоқа тизими сари қўйилган қадам, деб баҳоламоқ лозим. Озод ВАХОБОВ

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Ҳ.Абдуллаев номли маҳалла оқсоқоли Қобил Зокиров газ таъминоти ходимларига мадад бериб, ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газ хисоблагичлари ўрнатилган асосий мақсад ҳар қим сарфига яраша тўловини тўласин, бебаҳо бойлигимиз табиий газдан исрофгарчиликсиз, қонунбузарликсиз тежаб-тергаб фойдаланишга ўрганиш. Шунинг билан бирга бундай асбобнинг ҳар бир хонадон-

хисоблагич ўрнатиб уч ойда 4,5 минг сўмдан ортиқ иқтисод қилишди. Ҳ.Абдуллаев кўчаси 3-уйда истиқомат қилувчи Ҳидоятқуллар оиласи ҳам газ хисоблагичини афзаллигини ҳақ тўлаётганда яна бир бор сезишди. Албатта, ушбу хонадон сохиблари «занғори олов»нинг қадрига етиб, уни беҳудага сарфлашмаган.

— Жорий йилда пойтахтимиздаги хонадонларга 80 мингга газ ўлчамиг асбоблари ўрнатиш режаланган, — дейди

сарфининг хисобга олиниши зарур даражада таъминланмаётгани, тармоқдаги бир қатор корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи муркаблагичла қолмоқда, бу эса таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказиш, янги технологияларни жорий этиш имкониятларини чеклаб қўймоқда». Корхона ходимлари ҳам жуда кўплаб қарздорлардан газ ҳақини ундиришнинг бошлари қотмоқда, «Бирикми мингга» деганларидек, бу қарздорларнинг тўловини ўз вақтида тўламоғи ҳам ўзларига, ҳам маҳалладошларига зарар келтирмоқда. Миробод тумани Фидойилар кўчаси, 2-уй сохиби Баҳодир Раҳимов 29.348 сўм, шу туманининг Солиқов кўчаси, 5-уйда яшовчи Хосият Каримова 28.912сўм, Яққасарой тумани Сирожидинова кўчаси, 30-уй эгаси Зокир Мўҳиддинов 45.090 сўм, Саломатин кўчаси, 49-уйда истиқомат қилувчи Зуҳра Яхшиева 31.289 сўм, Чилонзор тумани Қамол Шарипов кўчаси, 20-уйдан Дехқонбой Туропов 26.136 сўм қарзларини тўлашни пайсалга солишмоқда. Бундайлар бошқа туманларда ҳам топилади. Уларга айтадиган гапимиз битта: иссиқ уйда, қозонда овқатингиз, чойнақда чойингиз қайнаптими, ҳақини ҳам ўз вақтида тўлаб қўйингда. Шарифа ИЛЕСОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни янги босқичи тўғрисида»ги Фармонида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар ҳақида таъкидлаиб, сув, газ ва иссиқлик энергиясини хисобга олувчи асбобларини ишлаб чиқариш ташкил этилганлиги, уларни уй-жойларга ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилаётгани ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Пойтахтимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги ва унга асосан Тошкент шаҳар хоқимининг 1998 йил 15 июлдаги қарорига кўра табиий газдан фойдаланувчи хусусий хонадонларга газ хисоблаш асбоблари ўрнатилмоқда. Ушбу қарорларни ҳаётга тадбиқ этишда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошшаҳаргазтаъминот» («ТошГАЗ») шўъба корхонаси шу кунгача бирмунча ишларни амалга оширди. Бугунги кунга келиб шахримиз бўйича 25 мингдан зиёд газ хисоблагичлар ўрнатилиб, бу ўз самарасини бермоқда.

Бу борада корхона ходимларига туман газ идоралари билан ҳамкорликда ишлаётган маҳаллалар оқсоқоллари яқиндан ёрдам беришмоқда. Шунингдек, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари яқиндан кўмак бераётган маҳаллаларда, яъни газ ҳақи юз фоиз тўланган жойларда йилгилан пул миқдорининг 20 фоизи маҳалла хисобига ўтказилиб, ушбу маблаг ҳам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида берилмоқда. Шу кунларда шахримиздаги Юнусобод тумани маҳаллаларига ана шундай асбоблар ўрнатиш давом этмоқда. Бу борада, айниқса тумандаги

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● Хар бир ишда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган киши ҳамма вақт муваффақият қозонади. Эҳтиётсизлик эса зиён-заҳмат келтиради.

Кимки қилмас ҳар ишига эҳтиёт, Ул ишидан топмағай ҳаргиз наҳот.

● Ҳар бир катта, тажрибали, билимдон кишилар билан маслаҳат қилмай иш бошлаган одам, у ишдан манфаат кўрмайди.

Килма ҳаргиз ўз муродинг бирла иш, Ул муродинг-ла пушаймон бор эмиш.

● Бирор ишга киришган одам аввал у ишнинг оқибати нима бўлишини яхшилаб ўйлаши керак. Уйланмасдан қилинган ишнинг оқибати «вой» бўлади.

Кимки боқмабдир ишин поёнига — Ҳеч ҳисоби бўлмағай армонига.

● Кибру ҳаво, манманлик инсонга шон-шараф бахш этмайди. Камтарлиқни ўзига пеша қилиб олган одам ҳалқ севгисига сазовор, бахт-саодат унга ёр бўлади.

Сен агар кибру ҳавони ташладинг, Ул замон давлат этагин ушладинг.

● Тўй, мажлис каби йиғин жойларига чақирилмаган бўлсанг, борма. Борсанг, ўз обрў-хурматингни тўққан бўласан. Бошқаларнинг таомига берухсат қўл узатма. Узатсанг, иззат ва эътиборингни йўқотасан.

Истамас эрса киши, сен унга меҳмон бўлмагил,

Гавҳари қийматбахосан, санги дандон бўлмагил!

● Ақлли одам олимлар, фозиллар ва тадбирли хунармандларнинг суҳбатларида бўлади, улардан баҳра олади. Донишмандлар суҳбати мушк-анбар демакдир.

Ҳам тавозелик бўлиб, ҳам боабд, Яхшиларнинг суҳбатини қилгил талаб.

● Ақлли одам кўршапалак табиатли жоҳиллар билан улфатчиликдан қочади.

Ёг ичига тушса гар сув, нолалар қилгай чирог,

Суҳбати ножинс бўлгай боиси озору доғ.

● Бир ишга киришган чоғингда оғирликлар юз берса, мақсадинг манзилига етишмоқ йўлида меҳнат ва машаққатлар чексанг ноумидлик кўчасига қадам қўйма, шижоатли ва матонатли бўл, оёғингни тўғри ва қаттиқ қўйиш билан бу мушкул йўлни босиб ўта оласан.

Ишларингни чарх бузса қайгу чекма, сабр қил,

Ҳар кийимни йиртадур тикувчилар тикмоқ учун.

● Луқмони Ҳаким айтади: — «Емонлик ўтини ёмонлик ўчиради», деган одамлар бекор айтибдилар. Икки ўт ёқиб кўринг, улар бир-бирини сўндирадиларми? Емонлик ўтини фақат яхшилик ўчиради.

Ким ёмонликка айласа рағбат, Неча турли ёмон бало кўргай.

● Шоир Юсуф Хос Ҳожиб айтади: — Емонлик оғудир, бу оғуни ема, оғу еган киши тирикликдан баҳраманд бўлмайди. Емон бўлма, номингни ёмонлик билан чиқарма.

Оловким ҳалойикни куйдиргуси, Учирмоқдан ўзга топилмас илож.

● Бир фозил одамдан: — Мому дунёси кўп бўлган одамнинг дўстлари, оғайнлири ҳам кўп бўлади, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Фозил айтди: — Мому дунё баъзи кишининг маҳбубаси ва маъшуқасидир. Маъшуқа қаерда бўлса, ошиқлар унга бош эгадилар. Маъшуқа, яъни мол-дунё кишининг қўлидан кетса, ошиқлар у кишининг ёнига йўламайдилар. Кўрмайсизми, гул ўз этагига зар тўлатиб ишва-карашмалар билан булбулга кўринса, булбул гулга шайдо бўлиб, минг оҳан билан унинг мадҳини сўзлайди. Гул кесилиб, фақат шоҳи ва барги қолса, булбул унинг отини ҳам атамайди.

● Араб фозилларидан Асмаи айтади: — Мен бир кишининг хузурига кирдим. У киши кичик бўйра устиде ўтирганди. Бўйранинг чеккасидан жой кўрсатиб, мени ўтиришга таклиф қилди. Мен:

— Раҳмат, ўзингиз ўтираберинг, бўйрангиз кичкина, тор, мен ҳам ўтирсам сизга озгина жой қолиб, роҳатсизланасиз, — деб узр айтдим. У киши узримни қабул қилмай деди:

— Бир-бирига гапи тўғри келмаган икки кишига бутун жаҳон ҳам танглик қилади, аммо дўстлар учун бир қарч ер ҳам бемалол етаберилади.

● Бир донишманддан: — Қайси одам, қайси миллат афзал? — деб сўрадилар. У донишманд икки қўлига ердан тупроқ олиб:

— Мана шу икки қўлимдаги тупроқнинг қайси бири афзал? — деди. Кейин икки қўлидаги тупроқни бир-бирига қўшиб айтди:

— Икки қўлимдаги тупроқнинг бир-биридан фарқи бўлмагани каби, ҳамма халқ, ҳамма миллат бир-бирига биродардилар.

Тарбиянинг туб илдизи аввалдан оиладан, боғчадан, сўнгра мактабдан бошланади. Дарҳақиқат, келажак авлоднинг имли, баркамол, соғлом бўлиб етишишида мактабларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки фарзандларимиз умрининг ярмини мактаб кучоғида, иккинчи оналари ҳисобланмиш устозлари бағрида ўтказишади.

Мураббийлар ташаббуси

Мураббийлар ташаббуси

Шаҳримиздаги ана шундай жонқуяр, бутун меҳри, педагогик маҳоратини фарзандларимиз тақдирига бағишловчи малакали устозлар фаолият кўрсатувчи ибратли ўқув даргоҳларидан бири Ҳаким Мусаев номи 38-мактабдир. Ушбу мактабда мураббий-ўқувчилар малакасига, билим савиясига катта эътибор бериб келинади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасида ахиллик, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби фазилатлар кўзга ташланади. Мактаб атрофи ва ички-та-

шқи муҳит озодлиги, саранжом-сарилталлиги билан ота-оналарни хурсанд қилмоқда. Тез-тез хашарлар, меҳнат байрамлари ўтказилиб, «Ўз уйингни ўзинг асра» шiori остида болалар меҳнатга, Ватанга садоқат руҳида тарбияланмоқда. Зеро, билимга чанқок, меҳнатсевар ёшлардан албатта етук инсонлар етишиб чиқади. — Мактабимизнинг ютуғи шундаки, — дейди биз билан суҳбатда мак-

таб раҳбари Мухайё Обидова, — биз маҳалла оқсоқоллари, участка нозирини билан биргаликда иш олиб борамиш. Хар бир ўқувчимизнинг оилавий шароити, юриш-туришидан ҳақиқат хабардоримиз. Ҳа, мактаб жамoси ота-оналардан таъмирлаш ишлари учун ёрдам эмас, балки қаттиқ тартиб-интизом талаб қиладилар. Мактабда «Гиевандликка қарши кураш», «Жиноятчиликнинг олдини олиш» каби тарбиявий мавзудаги кечалар, «Бали қилар», Наврўз ва

Раъно МАҲМУДОВА

18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

Ноёб ёдгорликлар хазинаси

Ўзбек халқи ўз тарихида бадий-монументал ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарларини яратди. Бу асарлар ҳанузга қадар ўзларининг юксак бадий услуби, гўзаллиги, шаклларининг нафислиги яратувчиларининг нозик дидли ҳамда теран фикрли санъаткор бўлганликларидан далолат бериб турибди. Бу ҳайратомуз манзарани биноларнинг ички ва ташқи безакларида, нафис кошнларда, бўртма ганч ўймаларида, тош ва ёғочларга ўйилган сержилва нақшларда, металл ва чармга солинган турли гулларда, гиламлар, шоҳи-атласлар, сўзаналарнинг жозибали ранглариде кўриш мумкин.

Пойтахтимиз Тошкентда ҳам ўзбек меъморчилигида ўзининг қурилиш услуби, зийнати ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган бир қанча мадраса, масжид ва саройлардан ташқари ХХ асрнинг бошларида қурилган, нақшкор бинолар ҳам бор. Бугунги кунда республика халқ амалий санъати музейи жойлашган бино ана шулардан биридир. 1903 йили европача тарзда қурилган бу қасрнинг юзга келишида рус меъморларидан А. Бумейстер, Г. Сваричевский, И. Маркевич, тошкентлик машҳур ганчкор-ўймакор уста Тошўлат Арслонқулов, Тошкент нақшкор мактабининг йирик вакили Олимжон Қосимжонов, бухоролик машҳур ганчкор-усти Ширин Муродов, шунингдек, Самарқанд, Хива, Қўқон, Риштон ва Ҳўжанд шаҳарла-



ринг ранг-баранглиги билан томошабин кўзини қамаштиради. Тошкентдаги бадий каштачилик фабрикасида яратилган бу нафис ва гўзал буюмлар республикамизнинг ҳамма ҳудудларида маълум ва машҳур. Халқ амалий санъатининг энг ривожланган тури, сўзсиз,



Н. Абдурахимова, Ю. Ёрмухамедова халқ амалий санъатига доир материалларни тўплаш, асраш, уларни илмий асосда ўрганиш ва келажак авлодга бой маданий мерос қолдириш мақсадида жиддий иш олиб бормоқдалар. Бу борада музей ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони дастуруламал бўлмоқда.

«Ўзбекмузей» жамғармасининг ташкил этилиши эса музейлар, жумладан, республика халқ амалий санъати музейи фаолиятини жонлантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Музей халқ маданиятининг кўзгусидир, — дейди музей директори Турғунжон Дўстоев.

Республикамиз мустақиллигининг ўтган ўн йиллиги даврида халқ амалий санъатида қўлга киритилган улкан ютуқлар, яратилган янги асарларни халқимизга, айниқса, юртимизга ташириб буюраётган хорижлик дўстларга кенг намойиш этиш, бой маданий меросимизни уларга кўрсатиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ, санъатшунос. СУРАТЛАРДА: республика халқ амалий санъати музейида.



рининг тажрибали халқ усталари фаол қатнашганлар. Бинога зарур бўлган қурилиш материаллари, пишиқ гишт Тошкентдан, сержилло кошнлар Қўқон ва Риштондан, ганч Бухородан, устун ва эшиклар Самарқанд чинорларидан ясалган. Чинор дарахтининг энг сифатли жойига «ислимий» ва «боғдодий» услубида ўйма нақшлар солинган. Бинонинг хона деворлари ганч нақшлари билан бежирим қилиб безатилган.

Бунда ўзбек ганчкор усталари қўллайдиган «Гулли рафтор», «Патнис ислим», «Гирих» (геометрик чизма), «Чакпардоз» ва бошқа услуб-

бошқа сайёҳларни лол қолдириб келмоқда. Музей ҳар бир халқнинг маданий кўзгуси бўлиб, унда юртинг бой ўтмиш тарихи, моддий ва маънавий ёдгорликлари тўплангани боис, уни сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш зарур. Шунинг учун музей илмий, маърифий-маънавий маскан ҳисобланади.

Биз ҳикоя қилаётган маданиятимиз кўзгуси, яъни музей заҳирасидаги етти мингдан ортиқ турли нодир экспонатлар, тартиб билан жойлаштирилган. Экспонатлар турли даврларга тегишли бўлиб, булар мустақил республикамиз бадий хунармандчилигининг ривожланиш тарихи, ютуқлари ҳақида хикоя қилади.



Музей заллари бўйлаб айланган кишининг диққатини биринчи навбатда гилам, палос ва сержилло кашталар тортади. Чўгдек сержилло гилам ва палослар орасида Хива, Андижон, Фарғона, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб тумани хунармандлари тайёрлаган иш намуналарини кўриш мумкин. Ўзбек каштачиларининг буюмлари ўзи-



Ҳаётимиз гуллари. Равиль Альбеков олган сурат.

Янгиликлар, воқеалар, хушxabарлар

ФАН

Ижобий баҳоланди

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти марказий илмий-текшириш лабораторияси фаолиятини юқори баҳолади. Бу лаборатория кейинги йилларда самарали изланишлар олиб бориб, 80 дан ортиқ биокимёвий, физик-кимёвий ва морфологик илмий ишланмаларни тайёрлаб амалиётга талбиқ этди.

Лаборатория йўли билан 130 дан ортиқ илмий иш чоп этилди. Шулардан бир нечтаси республика Давлат патенти билан қайд этилди.

Анвар ВАЛИЕВ

АНЖУМАНЛАР

Фойдали семинар

Акмал Икромов тумани бошланғич таълим марказида «Болалар боғчаларида таълимий хизматини ташкил этиш» деган мавзуда семинар бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари ушбу марказнинг бу борада орттираётган бой тажрибаси билан яқиндан танишдилар.

Ақбар АЛИЕВ

САНЪАТ

Шаҳар фестивали голиби

Тошкент Давлат консерваториясида хор музика фестивали якуниланди. Олий музика мактабининг хор дирижёрлиги кафедраси 60 йиллиги муносабати билан уюштирилган бу ижодий кўриққа ҳаваскор, профессионал ва болалар хори жамoалари қатнашиб, улардан унга яқин голибликни қўлга киритди.

Улар хор музикаси республика фестивалида ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш қилди.

Азиз АҲАДОВ

УЧРАШУВЛАР

Устоз билан мулоқот

Яқинда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида талабаларнинг атоқли олим, мазкур факультетнинг собиқ декани, услубият кафедраси ташкилотчиларидан бири Анвар Шомақсудов билан учрашувлари ўтказилди. Ушбу учрашувда иштирок этган факультет декани Қудрат Эрназаров, кафедра мудири Ирисали Тошалиевлар шогирдларига Анвар Шомақсудовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда услубият фанига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзлаб беришди, олимнинг бадий адабиёт тили ривожига ҳақида ёзган мақолалари билан талабаларни таништиришди.

Учрашувда ҳозир бўлган Анвар Шомақсудов йиғилганларга ҳаёти ва илмий соҳада олиб борган фаолияти ҳақида сўзлаб берар экан, талабаларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб берди.

Орзугул РУСТАМОВА, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.

ТАҚДИМОТ

Ўрта Осиёда ягона

Экологик таълим ва маданият билан талаба ёшларни яқиндан ошно қилиш мақсадида республикамиз олий ўқув юрларида муҳим тадбирлар қўрилмақда. Тошкент Давлат иқтисодий университетинида иқтисодчи-эколог мутахассислиги билан шуғулланувчи бўлим ташкил топшиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Ўрта Осиё олий ўқув юрлари орасида биринчи бўлиб ўз фаолиятини бошлаган бу ўқув марказини очишда Англиядаги Ноттингем университети ҳамкорлик қилди.

Аъзам АЛИМОВ

САХОВАТ

Мактабда «Компьютер синфи»

«ЎЗСИЛМ» ўзбек-турк қўшма корхонаси сый-ҳаракати билан мактаблардан бир нечтаси техника воситалари билан жиҳозланди.

Тошкентдаги 99-ўрта мактаб эса алоҳида компьютер синфига эга бўлди. Энг замонавий компьютер қурилмалари ва дастурларидан иборат бу «ақъли» машиналар маркази очилиши муносабати билан мактабда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Компьютер синфига ўтказилган дастлабки очиқ дарс машғулотини қўшма корхона вакиллари ҳам қузатдилар.

Абдулла АСИЛОВ

Кузлагил

Эй кўнгил, бу рўйи жаҳонда содиқ дўст ёр кўзлагил...

Чин вафодин имтиҳон эт, собит ҳамкор кўзлагил...

Гар ҳасад бирла дилингни пора-пора этсалар, Сен эрсанг тош отма, балки, нозик ашўор кўзлагил...

Кўк гўё араздек солган ковогин, Ҳасаддан булутлар тўсган зиёни...

Хориган дехқондек бўрсиқиб юзи, Осмон узра офтоб аста кўйди бош...

Гуркирар ялғиз бўйи, Яйрақ кўзи-ю улоқ, Баҳордан бўлиб элчи, Бойчечак қўзди кулоқ...

Эмғир ёғар, қут ёғар, Кўқда булутлар гала, Ризк сувидан қониқиб, Семирар адир, дала...

Табассум қилар қуёш, Қизиди замин юзи, Муз пардасин эритди, Очилди булоқ кўзи...

Гуркирар ялғиз бўйи, Яйрақ кўзи-ю улоқ, Баҳордан бўлиб элчи, Бойчечак қўзди кулоқ, Шукур ДАДАШ

Майдонда «Олимпиада умидлари»

Душанба куни шаҳримизда 1984-85 йилларда туғилган мактаб ўқувчилари ўртасида «Олимпиада умидлари - 2001» спорт мусобақаларининг якуний тўртинчи босқичи бошланди.

Республика Халқ таълими вазирлиги ва Олий Мажлис Ёшлар ишлари кўмитасининг ташкилотчилигида мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган мусобақалар келажакимиз бўлиши ёшларимизнинг соғлом, бақувват, руҳан тектик ва маънавий жиҳатдан баркамол ўсишларини таъминлаш борасидаги сайё-харакатларнинг меваси бўлиб, келгусида аъёнларимиз тарзда ўтказилиши мўлжалланмоқда...

НАЗМ

нафар ёш спортчи узаро беллашмоқда...

Пойтахтдаги 110- мактаб спорт зали, МХСҚ спорт зали, ирригация ва қишлоқ ҳўжалирини механизациялаштириш муҳандислари институтининг спорт иншоотларида ўтказилаётган «Олимпиада умидлари - 2001» спорт мусобақалари 23 май куни — мактаблардаги сўнгги кўнгрор қалинши арасидада якунланди...

Даврон ИСАЕВ

ШИФОБАХШ РЕЗАВОРЛАР

Олти минг йилдан бери истеъмол қилинадиган бодринг ҳосияти

Бодринг бир йиллик ўсимлик бўлиб, ошқовоқлар оиласига мансубдир. Унинг тузулишини ҳамма билади...

Бодрингнинг истеъмол қилина бошлаганига 6 минг йилдан ортиқ. Унинг ватани — Шимолий-шарқий Хиндустондир.

Дарҳақиқат, тарвуз ва қовун пишган ҳолатда ширин, бодрингнинг эса пишигани қадри ва мазалидир...

Еввойи ҳолатдаги бодринг борлиги ҳам аниқланган. Бир талай хасталикка даводир. Бодрингнинг 95-98 фоизи сувдан иборат...

Ишон умрини узайтириш бўйича мутахассис олим Поль Брегг ўзининг илмий ишларида атроф-муҳит инфосланиб бораётган хазирга замонда дистилланган сувнинг мислсиз қаҳияти ҳақида ёзади...

Сабзи ва қизилча ширалари билан аралашмаси ўт пуфғи, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларни тозаловчи омил бўлиши...

Пектинлар ошқозон — ичак фаолиятини яхшилайти ва холестерини танадан ҳайдаб чиқаради. Бодринг қалин, кремний каби моддаларнинг борлиги тери, соч, тишларни...

соғлом ҳолатда сақлаш ва касалликларнинг олдини олишдаги аҳамияти беқийсдир. Бодринг ва энгил ҳазми қилинадиган йод ҳам мавжуд...

Шуниси қизиқки, унинг гуллари ҳам шиқодир. Гуллари қайнатмаси безгақни даволашда қўланилади. Гачи бодрингда дармондорилар кўп бўлмасда...

Бодрингнинг қуруқ моддасида карбон сувлари, оксил, темир, фосфор, каротин, В-1, С сингари дармондори ва бошқа моддалар жо бўлган. Шулар туфайли бир қатор хасталиклари даволашда эм бўлади...

Халқ табобатида энгил шираси асабини тинчлатирувчи, ошқозон-ичак хуружидеа оғриқ қолдирувчи воситадир. Унинг ширасини асил асага аралаштириб, истеъмол қилинса оқори нафас йўллари ва йўталда даво бўлади...

Яна шунга қайд этиш керакки, бодринг косметика — хушрўйларварликда, оқартириш ва тозалашда ишлатилган. Бунни биздан кўра уй бекалари — аёллар яхши билишади.

Яна бир фикрни айтиб ўтишга тўри келади. Бодрингни кўнглич сабзаоват деб аташди. Аслини олганда биологик жиҳатдан у сабзаоват ҳисобланмайди. Бодринг бу реза мевадир.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

«О1»

Ёнғин — офат унинг олдини олайлик

Собир Раҳимов тумани ёнғиндан сақлаш ҳодимлари ёнғиннинг олдини олиш, уни ўчиришдан кўра энгилроқ деб ҳисоблайдилар...

лаш бошқармасида қайд қилинаётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, хонадонлардаги ёнғинларнинг асосий қисми маст ҳолда тамаки чекиб ухлаб қолмиш натижасида содир бўлаётгани ва уларнинг 70 фоизи инсон ўлими билан тугаётгани аёнчи ҳолидир...

2001 йилнинг 4 ойи мобайнида Собир Раҳимов туманида 53 та ёнғин содир бўлган ва бундан қурилган моддий зарар 388 миң 953 сумми ташкил қилган. 8 та ёнғин тамаки чекиб ухлаб қолмиш оқибатида содир бўлган.

Масалан, Юнусобод тумани, 4-даха, 63-уй, 54-хонадонда ёнғин содир бўлиб унинг оқибатида уй жиҳозлари ёнган. Энг аянчлиқи ушбу ёнғинда 1942 йилда туғилган Г. Протиқ халок бўлган. Шайхонтоҳур тумани, Навоий

қўчаси, 26-уй, 9-хонадонда содир бўлган ёнғин натижасида 1952 йилда туғилган Ю. Филленко ҳаётдан кўз юмган. Собир Раҳимов тумани, Беруний Б-1 маҳалlesi, 59-уй, 40-хонадондаги ёнғин оқибатида уй ағаси, 1957 йилда туғилган И. Курбанов халок бўлган.

Юқрида қайд этилган мисоллар турли вақт, турли туманларда содир бўлган бўлса-да ҳаммасининг сабаби битта — маст ҳолда тамаки чекиб ёнғин қонди-ларига риюя қилинмаганлиқдир. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин, лекин ҳар бир фуқаро ҳар доим оғоҳ бўлса бундай аянчли ҳодисаларнинг содир бўлиши қамайган бўлар эди...

Юқрида қайд этилган мисоллар турли вақт, турли туманларда содир бўлган бўлса-да ҳаммасининг сабаби битта — маст ҳолда тамаки чекиб ёнғин қонди-ларига риюя қилинмаганлиқдир. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин, лекин ҳар бир фуқаро ҳар доим оғоҳ бўлса бундай аянчли ҳодисаларнинг содир бўлиши қамайган бўлар эди...

Фоғир МўМИНОВ, Собир Раҳимов тумани 4-ХЭСБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

БЕКА Маслаҳатлар

Деразаларнинг ромлари ва ойналарни ювиш учун аввало 3 бўлак юмшак материал (яхшиси эски сочқини тайёрлаб қўясиз. Уй ҳароратидаги сувга бўр соласиз. 1 литр сувага 2 ош қошиқ майдаланган бўр етарли. Аввал бу сувада ромларни ювиб, кейин ойналарни артасиз...

Хираланган ойналарни сиркада намлал артिलाди, кейин тоза сувада қовилади. Ойналарингиз ярқираб, аввалги ҳолатига қайтади.

Тошкент банк ҳисоб-кредит техникуми томонидан 1986 йилда Гулсара Турдумартовна Шербутаева номига берилган КТ-830701-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкент окшоми» ижодий жамоаси таниқли публицист ва шоир Сафар БАРНОЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Исчилик физикаси бўлими жамоаси етакчи илмий ходим М. Ф. Очилвонга укаси Миробид Ф. Зилович ОЧИЛОВНИНГ бевакт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«O'ZDAVKITOBNAV-DOTA'MINOTI» жамоаси таъминот бўлими бошлиғи Ўззамхон Аслоновга отаси Сайдомирхон АСЛОНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Яқсарой туман 2-сонли давлат нотариал идора қата-та нотариуси Анорой Исмаилов Исмаиловга отаси Исмаилов Мусаевнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209 Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади. Қўроғ бичими А-2

МУСОБАҚАЛАР

Саломатликнинг ёш дўстлари

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Юнусобод туман кенгашида туман мактаблари ўқувчилари ўртасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақалари бўлиб ўтди.



Оналар ва болалар йили муносабати билан ёш авлоднинг соғлом ўсиши, мактаб ўқувчиларини санитария-гигиена асослари ва биринчи тиббий ёрдам бериш, йўл ҳаракати қоидалари ва ҳуқуқий онглари ошириш бўйича билимларга ўргатиш, фавқулодда ҳолатларда ўқувчиларнинг ўзини тўта билишлари ва ўзгаларга биринчи тиббий ёрдам бериш, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти тарихи, фаолияти ҳамда халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини ва билимларини ёшлар орасида тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган ўшбу мусобақада тумандаги 42 мактаб ўртасида ўтказилган дастлабки босқич беллашувларида гўлиб чиққан ва совринли ўринларни эгаллаган ўн тўртта мактаб ўқувчилари ўзаро куч синашдилар. Ўқувчилар ҳаётида доимо асқотадиган сафда туриш, жиҳозларни кўрсатиш, жараҳатланган, бахтсиз ҳодисага йўлиққан ва тўсатдан касал курганликларини намойиши этишиди, — дейди ўқувчиларнинг маҳоратларига баҳо берар экан мусобақанинг бош ҳақами Борис Шевченко.

Ёшлар, айниқса, куйиш жароҳатлари, зилзилалар оқибатлари, кекса кишиларнинг касаллик ҳолатлари, офтоб уришидаги биринчи ёрдам каби қўшимча саволларга қизиқarli жавоб қайтардилар. Энг муҳими, ўқувчилар мусобақа давомида ўзлари учун келажакда жуда зарур амалий кўникма ва билимларга эга бўдилар.

Албатта тажрибали мутахассислардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати учун гўлибларни аниқлаш осон кечмади. Шунинг билан бир қатар, 105-мактаб ўқувчилари энг кўп — 100 балл тўплаган бўлсалар-да бирок уларга мусобақаларга кечиб келганликлари сабабли иккинчи ўрин берилди. 99 балл жамолаган 288-мактабнинг саломатликнинг ёш дўстлари эса туман мусобақаларининг гўлиблари бўлишти. 63-мактаб ўқувчиларига учинчи ўрин насиб этди.

Деворий газеталар кўриғида 105 ва 12-мактаблар жамоаси гўлиб қолди. Барча гўлиб ва совриндорлар кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 288-мактаб ўқувчилари шу ойнанинг иккинчи ярида ўтказиладиган шаҳар мусобақаларида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритишти.

Дамир ИСЛОМОВ СУРАТЛАРДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» туман мусобақаларидан лавҳалар.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Югуриш йўлкасида — фахрийлар ва ёшлар

«Олимпия шон-шўҳрати» музейнинг атрофи бу гал одадагидан-да гавжумроқ ва файзли тусга кирди. Бу ёрга шаҳримизда спорт соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳодимлар — спорт мактаблари, муассасалари, билим юртлари ўқитувчилари, фахрийлар, шунингдек «Икар» ва «Кентавр» клублари аъзолари ёзги спорт мавсумининг очилишига бағишланган спорт байрамига йигилишти.



Ёш қарат, таъқвандо, турон кураши устларининг кўргазмали қиқиларидан сўнғ асосий мусобақалар — тўрт юзга яқин қатнашчилар ўртасида ёш тоифаларига бўлинган ҳолда соғломлаштирувчи югуриш баҳслари бошланди.

Одатга кўра баҳсни энг кексалар — 60-70 ва ундан оқори ёшдаги спорт фахрийлари бошлаб беришти. Улар 300 метр масофага югуришти. Аёллар ўртасида 2 дақиқа 12 сония натижа кўрсатган «Кентавр» соғлом турмуш тарзи клуби аъзоси 72 ёшли Нина Борисова, эркаклар ўртасида эса ўшбу клуб президенти 73 ёшли Николай Татаринловлар гўлиб чиқишти.

Клубимиз келаси йили февраль ойида ўзининг ўттиз йиллигини нишонлайди, — дейди Николай Татаринлов. — Хозир унинг 35 нафар аъзолари саломатликнинг асосий гарови бўлмиш соғломлаштирувчи югуриш билан шуғулланади. Бундан ташқари клубимизда соғлом турмуш тарзини ҳаётга таъбиқ этиш ишлари ўз ичига парҳез овқатларни истеъмол қилиш, гимнастика машқлари, уқалаш каби усуллари олади. Югуриш билан бирга теннис, стол теннис, бадминтон, волейбол ва футбол билан ҳам шуғулланиш ҳаракатидими.

Узим 1976 йилдан буён соғломлаштирувчи

чи югуриш билан шуғулланаман. Ўшандан бери Экваторни уч марта «айланиб чикдим» — яъни жами 95 миң километр масофага югурдим. Ниятим Экваторни яна икки марта айланиб чиқиш. Қувонarli томони шундаки, ҳозирда Нью-Йоркда яшавган клубимизнинг 26 йиллик аъзоси, II жаҳон уруши қатнашчиси Лев Сафир бизни қўлгаб телеграмма жўнапти.

Шу тарихи 20 ёшдан бошлаб 80 ёшгача бўлган соғломлаштирувчи югуришнинг барча гўлиб ва совриндорлари ташкилотчи ва ҳомийлар — шахт жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, пойтахт қарат ва таъқвандо федерациялари, шахт қасаба уюмалари спорт жамияти томонидан ажратилган кимматбаҳо совғалар, дипломлар билан тақдирланди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Спорт кўмитасининг раиси Баҳодир Махитов 60 дан ортиқ спортимиз фахрийларига илк бор таъзия этилган «Ўзбекистон тарзи фахрийси» гувоҳнома-ларини топширди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: мусобақа гўлиби Николай Татаринлов; йўлкада соғломлаштирувчи югуриш қатнашчилари. Тоғир Нигматуллин олган суратлар.

БУ АЖИБ ДУНЁ

Янги машина Олмониянинг «Даймер-Бенц» заводи келгуси йили Женевда бўлиб ўтадиган автомобиллар шоу-сида «Мерседес-Е» тоифадаги машинасини кўргазмага қўяди. Мутахассисларнинг билдиришларича, мазкур янги автомобиль ўзининг ўтмишдошларидан бир қанча қўлайликлари билан фарқ қилади. Ўз тоифасида энг замонавий ҳисобланаётган «Мерседес-Е» олти даражали тезликда бўлиб, электрон тормоз, назорат қилиш ва бошқарув тизимлари билан жиҳозланган, дея хабар бериди «Газета Ру».

Эски уйдан топилди

Польшанин Битов шаҳридаги эски уй қордоғидан Адольф Гитлернинг уч юзга яқин фотосурати топилди. Мазкур уйни яқинида сотиб олган Анжей Церапинский томини таъмирлаётган чоғда Гитлернинг гоҳ пииво ичаётгани, гоҳ ўз партиясининг курултойи ёки митингларда сўзга чиққани, гоҳ футбол ўйнаётгани тасвирланган суратларини топил олган. Ҳозир А. Церапинский ноёб топилганини нима қилиш ҳақида бош котирмоқда.

Ошuftа кўнғил

Литванинг Шауляй шаҳрида истиқомат қилувчи Алгимантас Баулис оила-си, мана 20 йилдирки, у хонали уйда дактус парвариш қилади. Хозирча уларнинг сони саккис юзга етди. Жой танқислик қилгандан эр-хотин барча хоналарини арзаанда ўсимликларга бўшатиб бериб, ўзлари ошхонада яшаб келмоқда. Улар ҳатто севили мушук ва итларини ҳам кишлоқдаги қариндошларига бериб юрди.

Ҳарорат ўлчағич

Маълумки, барча болалар ҳарорат ўлчағични ёқтирашармайди. Бирок ГФРда ишлаб чиқарилган бу асбобни энг қулай бола-лақай ҳам хуш кўради. Чой қошиқга ўхшатиб ясалган бу янги асбоб пластмасса-дан. Унга бирор ширинлик қуйиб болага берилса бас, шу вақтда унинг ҳарорати ўлчанади.

Дахшатли «ҳодиса»

Парижлик Линаро хоним унча-мунча дахшатли ҳодисадан чўнмас эди. Ҳатто кўп қаватли уйларнинг лифтада бир ўзи соатлаб қамалиб қолган кунлари ҳам бамайилхотир ўтираверарди. Аммо кўтими-маганда хонимнинг мазаси қошиб қолди. Тунда телевизор томоша қилаётиб, йўловчи сичқоннинг дийдорини кўриб қолди-ю, таппа хушини йўқотди. Афсус, шўрлик Линаро энди одамларга қулги бўлди-да.

Йўловчиларга қўлайлик

Лондоннинг энг йирик савдо кўчаси — Оксфорд-стритда йўл четидаги йўлаклар яқинда педаллар ҳаракатланиши учун қўлай қилиб, қизил чизик чизилиб, икки қисмга ажратилди. Биринчи қисм-да туриш, чекиш, тамада-ди қилиш, пештахталарни томоша қилиш мумкин. Иккинчи қисмда эса ҳаракатланиш тезлиги соатига бес километрдан кам бўлмашлиқ лозим. Бу ерда чекиш, телефонда гаплашиш каби ҳаракатлар таъқиқланади. Қонда-бузар 10 фунт стерлинг жарима тўлаши керак бўлади. 30 нафар инспектор педаллар ҳаракатини назорат қилиб туради. Гап шундаки, йилига Оксфорд-стритга 9 миллион нафар сайёҳ ташриф буюрди. Бу йилларда қанчага 60 миң киши тўпланиб, бу ўзига хос муаммони вуждуга келтирар эди. Энди эса шоган одам Оксфорд-стритга қараб юриб эмас, югуриб бориши ҳам мумкин. Йўлга кетадиган вақт тежаллади.